



Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари
Пенсия жамғармаси

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 мартдаги
«Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамдла
соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш
чора-тадбирлари тўғриси»даги 122-сон Қарори**

Бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш бўйича 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга ва кам таъминланган оилаларига моддий ёрдам тайинлашни қадамма-қадам схематик кўриниши

1



Фуқаролар мурожаат қилиши



хар ойнинг 16-кунигача



Фуқаролар яшаш жойи бўйича фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органига аризани тақдим этади.

Аризага иловалар!!!

1. паспорт (ёки ID-карталар) нусхаси;
2. никоҳ тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
3. бола туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

Фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органи хар беш кунда, бироқ ойнинг 19-санасига қадар ҳужжатларни Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимига тақдим этади.

2



Дастурга киритиш жараёни

Пенсия жамғармаси масъул ходими томонидан

Ҳар куни бироқ жорий ойнинг 26-санасигача аризалар дастурга киритади



Фуқаро тўғрисида дастурга киритиладиган маълумотлари!!!

1. Паспорт (ID-карта);
2. Никоҳ тўғрисидаги гувоҳнома;
3. Фарзандларни бола туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома;
4. Яшаш жойи;
5. Оила аъзолари тўғрисида маълумотлар;
6. Оиланинг бошқа даромадлари тўғрисидаги маълумотлар (фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органи томонидан тасдиқланган).

3



Оила даромадлари ва мол-мулкни ўрганиш

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» АТ томонидан маълумотлар айирбошлаш йўли билан аниқланади



4. Молия вазирлиги

5. Ўздавергеодезкадастр

3. Давлат солиқ қўмитаси

6. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги



«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» АТ

2. Пенсия жамғармаси

7. Давлат персоналлаштириш маркази

1. Давлат хизматлари агентлиги (ФХДЁ)

8. АТ "Халқ банки"

9. ИИВ

Бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш бўйича 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга ва кам таъминланган оилаларига моддий ёрдам тайинлаш ва тўлашнинг амалга ошириш Механизми



Оила аъзосига тўғри келадиган даромадни мезон билан таққослаш

Даромад мезони:

Оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган ўртача бир ойлик даромаднинг юқори чегараси **393,8 минг сўм** этиб ўрнатилган.

Ҳисоблаш тартиби:

Оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган ўртача бир ойлик жами даромад мурожаат қилинган ойдан олдинги ойгача бўлган **охирги уч ой** учун ҳисобланади ва оила аъзолари сонига бўлиш орқали аниқланади.

Аризалар қуйидаги ҳолларда рад этилади:

- оиланинг ҳар бир аъзосига белгиланган меъёр (**393,8 минг сўм**)дан юқори даромади мавжуд бўлганда;
- 2 ва ундан ортиқ кўчмас мулки ёки бир ва ундан ортиқ нотурар жой бинолари мавжуд бўлганда;
- оила аъзоларининг ўз номига расмийлаштирилган ёки бош ишончнома асосида фойдаланаётган ишлаб чиқарилган муддати **7 йил**дан ошмаган техник холати соз бўлган автотранспорт воситаси бўлганда;
- 2 ёки ундан ортиқ техник холати соз бўлган автотранспорт воситаси мавжуд бўлганда;

- ариза берувчи ва оила аъзоларининг тижорат банкларидаги депозит ҳисоб рақамларида ариза берган ойда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг беш баравари ва ундан ортиқроқ миқдорда маблағлар мавжуд бўлганда;
- ариза берувчи ва оила аъзоларининг меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг беш баравари ва ундан ортиқроқ миқдорларда қимматли қоғозлар мавжуд бўлганда ;
- Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Президент давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Мудофаа саноати қўмитаси ҳамда уларнинг тизимидаги ташкилотлари хизматчилари ва ходимлари ёки уларнинг оила аъзолари томонидан аризалар тақдим этилганда;
- Оилада меҳнат органлари томонидан тайинланган ишсизлик нафақасини олаётган аъзолари мавжуд бўлганда;
- оилада охирги 12 ой давомида иш қидираётган аъзоси меҳнат органларининг ишга доир таклифини икки ёки ундан ортиқ мартаба рад этганда;
- даромаднинг расмий манбаларига эга бўлмаган ва охирги 6 ой мабойнида иш излаб меҳнат органларига ҳисобда турмаган, ўзини-ўзи банд шахслар рўйхатига киритилмаган ёки ҳақ тўланадиган жамоат ишлари иштирокчиси ҳисобланмаган оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзоси мавжуд бўлганда;

Нафақани тайинлаш ёки рад этиш тўғрисида қарор инсон омилсиз Ягона реестр томонидан автоматик равишда қабул қилинади

Нафақани тайинлаш ёки рад этиш қарори ҳақида аризачини СМС орқали хабардор қилинади

5



Молия бўлиmlари нафақалар тўлаш учун маблағларни АТ "Халқ банки" нинг махсус ҳисоб варағига тўлов амалга ошириладиган ойнинг 4-25 санасига қадар молиялаштиради.

6



Электрон тўлов қайдномаларини шакллантириш



Ҳар ойнинг 4-санасигача



ойнинг 5-27 санасида

АТ "Халқ банк" филиаллари электрон тўлов қайдномаларига асосан ижтимоий нафақа, моддий ёрдам ва пул компенсацияси тўловларини амалга оширади

Бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш бўйича 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга ва кам таъминланган оилаларига моддий ёрдам тайинлашни учун такдим этадиган аризалар

Кам таъминланган оилаларни “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали аниқлаш ҳамда уларга ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга 3-илова

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг _____ туман (шаҳар)
(республика, вилоят, шаҳар)
бўлими бошлиғига

Қуйидаги манзилда яшайдиган:

Маҳалла _____
кўча (квартал) _____
уй _____
квартира _____

ТОМОНИДАН,
(ариза берувчининг Ф.И.О.) _____

АРИЗА

Сиздан менинг оиламга қуйидаги нафақа (моддий ёрдам) ни тайинлашни изни сўрайман:

- 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа
- бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа
- кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам (мурожаат қилган нафақа ёки моддий ёрдам тури танлангани)

Аризага қуйидагиларни илова қиламан:

- паспорт ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат нусхаси;
- васийлик ва ҳомийлик органининг қарори нусхаси.

Бошқа ҳужжатлар: _____

Аризани кўриб чиқилиш тўғрисидаги хабарни қуйида келтирилган телефон рақами _____ га юборишингизни сўрайман.
+998 _____ ёки электрон почта _____

Пенсия жамғармаси бўлимини оила таркиби (бола туғилганлиги, вафот этганлиги ёки бошқа ҳолатлар), даромади, яшаш жойим ўзгарганлиги ва нафақа (моддий ёрдам) миқдорига таъсир кўрсатувчи бошқа ҳолатлар каби ўзгаришлар содир бўлганда, ўз вақтида хабардор қилиш мажбуриятини оламан. Такдим этилган ҳужжатларнинг шондорлигини кафолатлайман.

Менинг ва оилам аъзоларимнинг иш ҳақларини ва бошқа барча даромадларини ҳамда мулкий ва моддий ҳолатимнинг “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали текширилишига розилик бераман. Маҳаллий бюджет имкониятидан келиб чиқиб, Мен сўраган бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа ёки кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш имконияти бўлмаган тақдирда:

Менга 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа (белгиланган мезон талабларига мос бўлганда) тайинланишига розилик бераман;

Менинг аризамда кўрсатилган нафақа (ёки моддий ёрдам) тайинлаш масаласи кейинги ойда кўриб чиқилишига розилик бераман.

Мурожаат қилувчининг имзоси: _____

Сана: 20 ____ й ____ ” ____ .

Аризани рўйхатдан ўтказдим

(фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи масъул ходими)

Ариза берувчи томонидан нафақа ёки моддий ёрдам **тури аниқ танланиши керак!**

Ариза берувчининг мобил алоқа воситаси **рақами ёки электрон почта манзили!**

Аниқ белги қўйилган бўлиши зарур!

Аризачи имзосига, санага, МФЙ масъул ходими (раис ёки ўринбосари) томонидан **қайд этилишига эътибор бериш зарур!**

Бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш бўйича 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга ва кам таъминланган оилаларига моддий ёрдам тайинлашни учун такдим этадиган аризалар

Кам таъминланган оилаларни “Ижтимоий химоя ягона реестри” ахборот тизими орқали аниқлаш ва уларга ижтимоий нафақа ҳамда моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
За-илова

Оиланинг мавжуд чорва моллари ва паррандалари тўғрисида МАЪЛУМОТ

_____ (ариза берувчининг Ф.И.О)

Уй хўжалигининг (мурожаат этган кунда) мавжуд чорва моллари ва паррандалари:

| Т/р | Чорва моллари ва паррандалар турлари | Сони (бош, дона) |
|-----|---|---------------------|
| 1 | Буқа ва сигирлар | |
| 2 | Ёш қорамоллар | |
| 3 | От ва туялар | |
| 4 | Катта ёшдаги чўчкалар | |
| 5 | Қўйлар | |
| 6 | Катта ёшдаги паррандалар | |
| 7 | Ёш паррандалар | |
| 8 | Бошқалар _____ (тури кўрсатилиши керак) | |
| 9 | | |

Мен, _____ (Ф.И.О тўлиқ кўрсатилади):

оиланинг чорва моллари ва паррандалари тўғрисида такдим этилган маълумотларнинг ишончилиги учун жавобгарликни тушунаман ва тўлиқ қабул қиламан ҳамда юқорида қайд этилган маълумотларнинг нотўғрилиги аниқланган тақдирда, конун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беришим хақида хабардорман;

аризамда кўрсатилган маълумотларни тасдиқлаш зарурати юзага келганда, Менинг моддий ва мулкий ҳолатим Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлими масъул ходими томонидан яшаш жойимга ташриф буюрган ҳолда баҳолаш орқали амалга оширилиши мумкинлиги шартини қабул қиламан.

Ариза берувчининг имзоси: _____

Сана: 20__ й “__” _____.

Ариза берувчининг Ф.И.О. аниқ кўрсатилиши керак !

Чорва моллари ва паррандалари тўғрисида маълумотларни тўлдирилганлигига **эътибор бериш зарур!**

Маълумот учун: Ҳар бир шартли қорамол сонини даромад аниқланаётган даврда меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 0,5 бараварига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Ариза берувчининг имзоси ва ариза берилган сана **қайд этилишига эътибор бериш зарур!**

Бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш бўйича 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга ва кам таъминланган оилаларига моддий ёрдам **тайинлашни учун такдим этадиган аризалар**

Кам таъминланган оилаларни “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали аниқлаш ва уларга ижтимоий нафақа ҳамда моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга 3б-илова

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки ва тижорат банклари раҳбарларига

Куйидаги манзилда яшайдиган:

Маҳалла _____
кўча (қўртал) _____
уй _____
квартира _____

_____дан
(ариза берувчининг Ф.И.О.)

АРИЗА

20__ йил _____ ҳолатига кўра, Менинг ёки оила аъзоларим номига очилган депозит ҳисобварақларидаги қолдиқ маблағлар ва уларга ҳисобланган фойз даромадлари ҳамда ариза берилган санадан олдинги уч ой мобайнида Менинг ёки оила аъзоларим номига олинган пул ўтказмалари тўғрисидаги маълумотларни “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимига такдим этишингизни сўраймиз.

Ушбу ариза билан Мен ва оила аъзоларим танишиб, юқорида кўрсатилган маълумотларнинг такдим этилишига розилик беришимизни тасдиқлаб имзо чекмоқдамиз.

| | | |
|---------------|-------|---------------------|
| Ариза берувчи | _____ | _____ (Ф.И.О.) |
| Оила аъзоси | _____ | 202__ й “__” _____. |
| Оила аъзоси | _____ | _____ (Ф.И.О.) |
| Оила аъзоси | _____ | 202__ й “__” _____. |
| Оила аъзоси | _____ | _____ (Ф.И.О.) |
| Оила аъзоси | _____ | 202__ й “__” _____. |

Изоҳ. Оила аъзосига – ота-она, турмуш ўртоғи ва ариза берувчи билан бирга яшовчи ўз оиласига эга бўлмаган 18 ёш ва ундан катта ёшли фарзандлари кўрсатилади.

Ариза берувчининг яшаш манзили ва Ф.И.О. аниқ кўрсатилиши керак !

Ариза берувчи ва унинг оила аъзоларининг Ф.И.О. ва имзолари мавжудлигига эътибор бериш зарур!

Бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш бўйича 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга ва кам таъминланган оилаларига моддий ёрдам тайинлашни учун такдим этадиган аризалар

Кам таъминланган оилаларни “Ижтимоий химоя ягона реестри” ахборот тизими орқали аниқлаш ва уларга ижтимоий нафақа ҳамда моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга 4-илова

I. Ариза берувчининг оила аъзолари таркиби тўғрисида МАЪЛУМОТ

| Оила аъзоларининг Ф.И.О. (паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳномага қатъий амал қилган ҳолда) | Қариндошлик даражаси (*код кўрсатилади) | Туғилган санаси (кун/ой/йил) | Паспорт ёки туғилганлик гувоҳномаси** серияси ва рақами (шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар) | Ҳар бир оила аъзосининг мақоми (*** код кўрсатилади) |
|---|--|---------------------------------|--|---|
| Ариза берувчининг оила аъзолари | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |

*) қариндошлик даражаси кодланиши: 01-эр; 02-хотин; 03-қиз/ўғил; 04-ота/она; 05-бошқалар.

***) туғилганлик гувоҳномасининг қайд рақами кўрсатилади.

***) мақом турлари кодланиши

- 06 — 16 ёшгача болаликдан ногиронлиги мавжуд шахсининг онаси (онаси бўлмаган ҳолда, отаси), оила аъзоси бўлган I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсни ёки ўзгалар парварishiга муҳтож бўлган 80 ёшга тўлган кекса(лар)ни парварishi қилади;
- 07 — “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида оилавий тадбиркорлик билан шугулланувчи;
- 08 — олий таълим муассасаси талабаси (ўқинишнинг фақат кундузги шакли бўлганда белгиланади);
- 09 — касб-хунар коллежи ёки академик лицей ўқувчиси (ўқинишнинг фақат кундузги шакли бўлганда белгиланади);
- 10 — қақирик бўйича ҳарбий хизматни ўташи ёхуд ҳарбий таълим муассасасида таълим олиши сабабли оилادا бўлмаган шахс;
- 11 — суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўйича жазони ижро этиш жойларида бўлиш муносабати билан оилادا бўлмаган шахс;
- 12 — хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошираётганлиги сабабли оилادا бўлмаган шахс.

II. Шахсий ёрдамчи (деҳқон) хўжалигини юритиш учун фойдаланиладиган ер участкаси (кереклиги таълими):

- “мавжуд”.
- “мавжуд эмас”

Шахсий ёрдамчи (деҳқон) хўжалигини юритиш учун фойдаланиладиган ер участкаси майдони: _____ сотих.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси

(имзо ва муҳр)

(Ф.И.О)

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи масъул ходими

(имзо)

(Ф.И.О)

Ариза берувчининг ҳар бир оила аъзосининг маълумотлари тўлдирилганлигига ва мақоми кўрсатилганлигига **эътибор бериш зарур!**

Ариза берувчининг шахсий ёрдамчи ёрдамчи (деҳқон) хўжалигини юритиш учун **фойдаланиладиган ер участкасининг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги белгиланиши ва мавжуд бўлса ер участкасининг майдони кўрсатилган бўлиши шарт.**

Мазкур маълумотнома фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи раиси ва масъул ходими томонидан тасдиқланганлигига **эътибор бериш зарур!**

Бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш бўйича 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга ва кам таъминланган оилаларига моддий ёрдам тайинлашни учун тақдим этадиган аризалар

Кам таъминланган оилаларни “Ижтимоий химоя ягона реестри” ахборот тизими орқали аниқлаш ва уларга ижтимоий нафақа ҳамда моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
5-илова

Пенсия жамғармаси _____ туман (шаҳар) бўлимига
_____ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан тақдим этиладиган болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам тайинлашни сўраб мурожаат этган ариза берувчиларнинг
РЎЙХАТИ

| Т/р | Ариза берувчининг Ф.И.О | Ариза берилган сана | Нафақа ёки моддий ёрдам тури |
|-----|-------------------------|---------------------|------------------------------|
| 1. | | | |
| 2. | | | |
| 3. | | | |
| 4. | | | |
| 5. | | | |
| 6. | | | |
| 7. | | | |
| 8. | | | |
| 9. | | | |
| ... | | | |

Тошширди:

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси

_____ (имзо, муҳр)

_____ (Ф.И.О)

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи масъул ходими

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О)

Қабул қилди:

Пенсия жамғармаси

_____ туман (шаҳар)

бўлимининг масъул ходими

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О)

20__ йил “__” _____

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи томонидан Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимларига тақдим этилаётган аризалар рўйхати бирламчи ҳужжатлар тўплами билан солиштириб кўрилиши ва рўйхатга ариза берилган сана ҳамда нафақа ёки моддий ёрдам тури тўғри киритилганлигига **эътибор бериш зарур!**

Мазкур рўйхат фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи раиси ва масъул ходими томонидан тасдиқланганлигига **эътибор бериш зарур!**

Пенсия жамғармасининг туман(шаҳар) бўлимининг масъул ходими томонидан қабул қилинганлиги тўғрисида имзо ва сана қўйилади.

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимини жорий этиш

“Ягона реестр” АТ билан интеграция қилинган (9 та) ва 2021 йилда интеграция қилиниши режалаштирилган (12 та) вазирлик ва идоралар



Реал вақт режимида идоралараро электрон айирбошланадиган асосий маълумотлар (жами 21 турдаги)

1. Туман (шаҳар) маҳаллий бюджетларида моддий ёрдам ва нафақалар учун режалаштирилган маблағлар тўғрисида (лимит);
2. Ариза берувчи ва унинг оила аъзоларига меҳнат органлари томонидан кўрсатилган хизматлар турлари, тайинланган ишсизлик нафақа миқдори, ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашишдан олинган даромадлар;
3. Пенсиялар жамғармаси томонидан тўланадиган пенсиялар ва нафақалар турлари ва миқдорлари тўғрисида;
4. Ариза берувчининг оила аъзолари таркиби тўғрисида маълумот (2015 йил ва ундан кейинги йиллар);
5. Ариза берувчи ва унинг оила аъзоларининг пропискаси, биометрик паспортлар тўғрисида маълумотлар;
6. Аризачи ва унинг оила аъзоларининг барча даромадлари ва хусусий тадбиркор сифатида рўйхатга олинганлиги тўғрисида;
7. Автотранспорт воситаси мавжудлиги тўғрисида маълумот (ишлаб чиқарилган сана, тури, маркаси, техник ҳолати ва ҳоказолар);
8. Аризачи ва унинг оила аъзолари номида кўчмас мулк мавжудлиги тўғрисида маълумот;
9. Нафақа ёки моддий ёрдам олувчилар номига очилган пластик карталар тўғрисида маълумот, Тўланган ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тўғрисида ҳисобот (ҳар бир нафақа олувчи кесимида).

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими

“Ягона реестр” АТ “Development Pathways” ихтисослаштирилган компаниядан 2021 йилнинг якунига қадар босқичма-босқич беғараз қабул қилиб олинади. **Техник жиҳатдан фаолиятини таъминлаш ва доимий такомиллаштириб бориш** ишлари Молия вазирлиги ҳузуридаги **Ахборот-ҳисоблаш маркази томонидан амалга оширилади.**

01

02

“Ягона реестр” АТ имкониятларини методик жиҳатдан доимий такомиллаштириб бориш ишлари **Молия вазирлиги ва Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан амалга оширилади.**

“Ягона реестри” ахборот тизими **белгиланган тартибда тўлиқ қабул қилингандан сўнг Пенсия жамғармаси унинг эгаси ва фойдаланувчиси ҳисобланади.**

03

ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАХМАТ